Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1997 йил 23 декабрь, сешанба № 150 (22.233). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Вазирлар Маҳкамасида қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда 2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурида бу йилга мўлжалланган тадбирлар қандай бажарилаётгани тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

* * *

Ҳозирда Япония ишлаб чиқаришида беқиёс мавқега ва дунёнинг 158 мамлакатида ўз департаменти ҳамда ваколатхоналарига эга бўлган «Сумитомо корпорейшн» ТошДУ билан келишган ҳолда университет тавсиясига мувофиқ аълочи талабаларга йиллик стипендия жорий этганига ҳам икки йил бўлди. Бу йил ушбу корпорация стипендиятлари сони ўн нафарга етди.

* * *

Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида «Марказий Осиё санъати: тарихий тараққиётнинг ўзига хослиги» мавзусида II халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Марказий Осиё, Япония, Россиядан ташриф буюрган илм аҳлининг Осиё санъати тарихи, бугунги ривожи ва муаммолари ҳақида маърузалар тингланди.

***

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида 1997 йил 23 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун сўмга нисбатан 1 АҚШ доллари 79 сўм 74 тийин қилиб белгиланди.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Айни пайтда Россия ўз маҳсулотларини хорижий мамлакатларга экспорт қилиш соҳасида жаҳонда йигирманчи ўринни эгаллаб турибди. Ушбу кўрсаткич 68,7 миллиард долларни ташкил этмоқда. Импорт соҳасида эса мамлакат 26-ўринда. Масалан мамлакатга 42,7 миллиард долларлик маҳсулот келтирилди. Ушбу рақамлар бутун жаҳон савдо ташкилотининг маърузасидан олинди.

***

Цзянсу вилоятида (Шарқий Хитой) Россия-Хитой лойиҳаси асосида атом электр станцияси қурилиши бошлаб юборилди.

***

АҚШ Президенти Билл Клинтон технология соҳасида ишловчи икки муҳандисга мукофотлар топширди. Улар 25 йил аввал улкан компьютер тармоғини яратишган эди. Муҳандислардан Винтон Серф билан Роберт Кан марказлаштирилган ҳарбий бошқарув ва назоратни йўлга қўйиш муаммосини тадқиқ этишган эди.

***

Берлинда таълим олаётган 40 талаба «N-TV» телеканалининг студиясига бостириб киришди. Улар бу ишни олий таълимни молиявий жиҳатдан таъминлашда қисқартишлар қилинганлиги учун норозилик намойиши сифатида амалга оширишди. Гуруҳ раҳбарининг айтишича, оммавий ахборот воситалари талабаларнинг норозилигини писанд этишмаяпти. Шу боис ҳам талабалар аламларини шу йўл билан олишди. Бироқ бутун Германия бўйлаб қарийб бир ойдан бери талабаларнинг олий таълимни молиявий жиҳатдан таъминлаш пасайиб кетганлигига қарши норозилик намойишлари давом этаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

САВДО СОҲАСИДА МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Савдо соҳасида бозор ислоҳотларини ва монополиядан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш, рақобатни ривожлантириш, истеъмол бозорини тўлдиришда корхоналар ҳамда маҳаллий бошқарув идораларининг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини янада ошириш мақсадида:

1. 1998 йилнинг 1 январидан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳларини фонд йўли билан тақсимлаш тизими бекор қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Барча турдаги истеъмол товарларининг улгуржи харидлари мулкчилик шаклларидан қатъи назар, улгуржи ва чакана савдо корхоналари томонидан мустақил равишда, Ватанимиз товар ишлаб чиқарувчилари ва маҳсулотни улгуржи етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузган ҳолда, етказиб берувчиларни, харидорлар ва товарларни эркин танлаш принциплари асосида, шунингдек биржа ва савдо ярмаркаларида амалга ошириши лозим.

Ватанимиз товар ишлаб-чиқарувчиларининг ресурслари билан таъминланмаган истеъмол товарларининг импорт хариди асосан тендерларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш республика комиссияси томонидан ташкил қилинадиган тендерларнинг шартларига мувофиқ амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, «Ўзбексавдо» тизимидаги ҳудудий савдо-ишлаб чиқиш концернларининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

Ўзбекистон «Савдо» Давлат акциядорлик уюшмаси («Ўзбексавдо»)ни тугатиш.

Республика «Савдо тараққиёти» бирлашмаси, республика тажриба савдо-ишлаб чиқариш «Савдо нашриёти» бирлашмаси, «Наврўз» савдо ишлаб-чиқариш комплекси ва янгидан ташкил этиладиган «Гўштсутсавдо» Давлат акциядорлик бирлашмаси негизида Ўзбекистон «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясини ташкил қилиш.

Мавжуд ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш концернлари негизида республика (Қорақалпоғистон Республикаси) ва вилоятлар савдо-ишлаб чиқиш акциядорлик «Савдо» компанияларини барпо этиш.

Белгилаб қўйилсинки, ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик «Савдо» компаниялари уларнинг тизимига кирмайдиган савдо ташкилотлари билан, шу жумладан матлубот кооперацияси тизимидаги савдо ташкилотлари билан фақат шартнома асосларида ҳамкорлик қиладилар.

3.Қуйидагилар «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб-чиқариш ҳамда харид қилиш соҳасида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, фан-техника тараққиёти ютуқларини, савдо-сотиқни такомиллаштириш борасидаги жаҳон тажрибасини тармоққа жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси билан биргаликда истеъмол товарларини сотиш қоидаларини ишлаб чиқиш.

«Гўштсутсавдо» тизимини совутиш хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, совутиш омборларини шартнома асосида «Ўздавзаҳира» бош бошқармасига, давлат таъминоти муассасаларига, махсус истеъмолчиларга ва ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик «Савдо» компанияларига озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун бериш.

Савдо иншоотларини лойиҳалаш ва қуришда ягона техникавий сиёсатни юритиш, технологик савдо ускуналарини таъмирлаш, тайёрлашда тармоқ корхоналарига амалий ёрдам кўрсатиш.

Савдо соҳасида реклама-ноширлик фаолиятини амалга ошириш.

4. Ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик «Савдо» компаниялари, Тошкент шаҳар савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб-чиқариш департаменти зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин:

Аҳолининг истеъмол молларига бўлган талаб-эҳтиёжини жуда тўлиқ қондиришда, Ватанимиз товар ишлаб чиқарувчиларидан, шу жумладан биржа ва ярмарка савдо тизими орқали товарларнинг танлов асосидаги улгуржи харидларини ўтказишда мулкчилик шаклларидан қатъи назар савдо корхоналарига, жумладан матлубот кооперацияси тизимидаги корхоналарга тузилган шартномалар асосида ёрдам бериш.

Ўзимизда ишлаб чиқарилаётганлари ички бозор эҳтиёжларини қопламаётган товарларнинг белгиланган тартибда амалга оширилаётган улгуржи импорт харидларини мувофиқлаштириш.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ва савдо қоидалари савдо корхоналари томонидан бажарилишини таъминлаш.

Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, савдо корхоналарига реклама, товарлар етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузиш ва ишлаб чиқарувчилар билан узоқ муддатли оқилона хўжалик алоқаларини ўрнатиш, техника билан қайта жиҳозлаш, замонавий савдо-технология жараёнларини тадбиқ этиш масалаларида шартнома асосида қонсалтинг хизматлари кўрсатиш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик «Савдо» компаниялари ҳамда Тошкент шаҳар савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб-чиқариш департаменти зиммаларига юкланган вазифаларни ҳал этишда уларга бутун чоралар билан ёрдам берсинлар.

Мулкчилик шаклларидан ва кимга бўйсунишидан қатъи назар, Ватанимиз савдо тамғалари қўйилган савдо - ишлаб чиқариш фирмалари, шунингдек улгуржи - чакана савдо фирмалари тармоғини барпо этиш ва ривожлантиришга кўмаклашсинлар.

Ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик «Савдо» компанияларининг, Тошкент шаҳар савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти, шунингдек минтақа ҳудудида ишлаб турган барча саноат ва савдо корхоналарининг истеъмол бозорларини тўлдириш масалаларидаги фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

7. «Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлигини Ўзбекистон «Савдо» давлат-акциядорлик уюшмаси («Ўзбексавдо»)га айлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 5 майдаги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 19 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

22 декабрь куни Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Виктор Черномирдин амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Пойтахт аэропортида юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

Дўрмон қароргоҳида икки мамлакат расмий делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Музокараларда асосий эътибор Ўзбекистон билан Россия ўртасида шу пайтгача имзоланган ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиш жараёни, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳудудлараро, савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш учун зарур чора-тадбирлар кўриш, сармояларни ҳимоялаш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш бўйича илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қаратилди.

— Аввало, таъкидлаш жоизки, кейинги даврда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бормоқда, — деди Ислом Каримов. — Шу вақтгача имзоланган ўзаро ҳужжатлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, айни вақтда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар алмашув ҳажмининг тобора ўсиб бораётганининг муҳим сабабларидан бири ҳам шунда.

Суратда: икки томонлама ҳужжатларни имзолаш пайти.
Абдувоҳид Тўраев (ЎзА) олган сурат.

Дарҳақиқат, 1996 йилда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажми 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойида эса бу рақам 1,4 миллиард долларга етди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг айни вақтдаги аҳволи ва истиқболи ҳақида гапирар экан, унинг бош йўналиши ўзаро тенг манфаатлар асосида иш юритиш эканини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Ислом Каримов икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни нафақат ҳукуматлар даражасида, балки вилоятлар миқёсида ҳам ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканини айтди.

Музокараларда Ўзбекистон билан Россия ўртасида самолётсозлик, электр ва техника жиҳозлари, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик самарали амалга оширилаётгани қайд этилди.

Айни вақтда Ўзбекистонда Россия билан ҳамкорликда барпо этилган икки юздан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Таъкидлаш керакки, ҳозир россиялик ишбилармонлар Ўзбекистон автомобиль саноатига айниқса катта қизиқиш билан қараётир. Тез орада Россияда «ЎзДЭУавто» машиналарини сотиш марказини очиш режалаштирилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳудудлараро ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, улар ўртасида бевосита алоқаларни йўлга қўйиш борасида ҳам сезиларли натижалар қўлга киритилмоқда. Дарвоқе, хўжалик юритувчи субъектлараро бундай алоқаларни кенгайтириш мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан биридир. Музокараларда томонлар ушбу масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарларини баён қилдилар.

Россия ҳукумати Раиси Виктор Черномирдин музокаралар кун тартибидан жой олган масалалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Кўп йиллик иқтисодий алоқаларнинг айни вақтда янгича тамойиллар асосида шаклланиб бораётгани бугун ўзаро ҳамкорликнинг барча соҳаларида яққол кўзга ташланаётир, — деди жумладан В. Черномирдин. — Мазкур ташрифимиз Россия Президенти Борис Ельциннинг 1998 йил баҳорида Ўзбекистонга қилажак сафари олдидан ўтаётгани унинг амалий аҳамиятини янада оширади.

Музокараларда минтақавий хавфсизлик, жиноятчиликка қарши кураш, шунингдек, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтириш учун зарур чора-тадбирлар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлар алмашилди.

Музокаралар сўнггида ўзаро қўшма ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги, шунингдек атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш бўйича илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Виктор Черномирдин имзоладилар. Шунингдек, ўзаро савдо-иқтисодий, илм-фан ва бошқа соҳаларга оид ҳужжатлар имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда музокаралар кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тўла келишувга эришилгани қайд этилди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган асосий масала Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи хусусида бўлди. Икки мамлакат корхоналари ўртасидаги ҳамкорликнинг қандай ривожланаётгани ҳақидаси саволга жавоб қайтарар экан, Ислом Каримов жумладан шундай деди:

— Россия ишбилармонларининг Ўзбекистон бозорида ёки ўзбекистонлик тадбиркорларнинг Россия бозорида иштирок этиши ҳар икки томон учун ҳам фойдалидир. Айни вақтда Ўзбекистонда бевосита Россия сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 33 та қўшма корхона мавжуд. Россияда эса 55 та Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Лекин бу ҳар икки мамлакат салоҳиятидан келиб чиқиб қараганда жуда кам. Зеро, бугунги дунёда иқтисодий ҳамкорлик натижалари, аввало, ким қайси бозорда иштирок этаётганига боғлиқдир. Шу маънода, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш икки томонга ҳам бирдек наф келтириши табиий.

Виктор Черномирдин асосий макроэкономик кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонда Россияга нисбатан кўпроқ натижалар қўлга киритилаётганини алоҳида таъкидлади.

— Бугун биз Ўзбекистоннинг Россия бозоридаги ўрни, ўз навбатида Россиянинг Ўзбекистон бозоридаги иштироки мамлакатларимиз учун қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини жуда яхши тушунамиз, — деди В. Черномирдин. — Шу боис барча соҳалардаги ўзаро муносабатларимиз бугунги кун талаблари даражасида бўлмоғи лозим.

Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Виктор Черномирдиннинг мамлакатимизга амалий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 1997 йил 25 декабрь куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги биносининг Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 24 декабрь куни соат 14 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги биноси Мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ДЕПУТАТЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР БЛОКИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши 23 декабрь куни соат 17 да ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида ўтказилади. «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши ҳам шу куни соат 16 да Тошкент Давлат юридик институтининг залида ўтказилади.

«Ватан тараққиёти» партиясининг фракцияси 24 декабрь куни соат 11 да ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида йиғилади, шу куни соат 12 да эса Олий Мажлисда ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки ўз мажлисига тўпланади.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ – ЗАМОН ТАЛАБИ

Кеча Ички ишлар вазирлиги Академиясида «Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда Прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати, Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судлари, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, Солиқ ва Божхона қўмиталари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг раҳбарлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Мониторинг институти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича эксперти, Судьялар ва адвокатлар ассоциациялари ҳамда халқаро ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, шунингдек, Тошкент Давлат юридик институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. М. Муминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг етакчи олимлари иштирок этдилар.

Конференцияда қонунчилигимизда халқаро стандартларни амалга ошириш, судда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, адлия, солиқ ва божхона, ички ишлар идораларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ҳамда ҳуқуқий тарбия ва касбий тайёргарлик масалалари хусусида сўз юритилади. Шунингдек, анжуман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқни татбиқ этиш жараёнида фуқаролар ҳуқуқи, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган амалий тавсиялари ишлаб чиқилди.

Норбобо ШАКАРОВ.

ПЛЕНУМЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

ҚАРШИ. Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг XIII пленуми бўлиб ўтди. Кун тартибидаги «Ўзбекистон ХДП вилоят ташкилотларининг аҳолининг сиёсий фаоллигини ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш соҳасидаги вазифалари ҳақида» Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби, республика Олий Мажлиси депутати Фармон Омонов маъруза қилди.

— Сиёсий фаоллик, ҳуқуқий маданият тараққиёт кафолатидир, — деди маърузачи фикрини давом эттирар экан. — Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига бағишланган анжуманда бу ҳақда ҳаммамизнинг олдимизда турган долзарб вазифаларни тилга олиб ўтдилар.

Ҳақиқатдан ҳам тўғрисини айтсак, вилоятимизда ҳам фуқароларимизнинг қонунни билмасликлари устига айрим ҳолларда раҳбарлар, ҳатто ҳуқуқ-тартибот идораларида ишлайдиган ходимларимизда малака етишмаслиги, покдомон эмаслиги, таъмагирликка йўл қўйишларидек салбий ҳолатлар кўзга ташланмоқда.

Маърузачи юқоридаги фикрларни мисоллар асосида исботлади.

Деҳқонобод туман партия кенгашининг биринчи котиби Норбой Янгибоев, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлими раиси Маматқул Ражабов, У. Юсупов тумани «Оқмачит» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котиби Олтибой Эгамбердиев, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Довуд Маъдиевлар сўзга чиқиб, бу масала юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

Шунингдек, пленумда жойлардаги партия ташкилотларининг партия нашрларига оид фаолиятлари таҳлил этилди. Бу борада

Партия ахбороти

сусткашликка йўл қўяётган Яккабоғ, Деҳқонобод, Баҳористон туман партия кенгашларига нисбатан кескин танқидий фикрлар билдирилди.

Пленум якунида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Пленумда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Р. Раҳмонов, К. Исмоилова иштирок этишди.

Илҳом КАРОМОВ.

***

ТЕРМИЗ. Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг ўн тўртинчи пленуми бўлиб ўтди. Унда ХДПдан халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашига сайланган Н. Тўраев ва А. Шоймоновлар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот бердилар.

Пленум кўриб чиқилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

Пленумда вилоят партия кенгаши биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Ҳ. Эрматов сўзга чиқди.

Олимжон УСАНОВ.

***

НУКУС. Бу ерда Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котибиятининг Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгашининг бошланғич ҳудудий партия ташкилотларини тузиш ва фаолиятини ташкил этиш борасидаги ишлари тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган вазифалари ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Бу ҳақда Нукус шаҳар партия кенгашининг котиби В. В. Луценко маъруза қилди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Қурбонбой Сеитназаров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Нукус шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби лавозимидан озод қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг давлат ҳокимият уюшмалари, маҳаллий ўзиниўзи бошқариш ва жамият бирлашмалари масалалари бўйича қўмита раиси бўлиб ишлаётган Саденбой Нурманов Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг ўринбосари Ражаббой Йўлдошев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг биринчи котиби А. Х. Асанов, шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Ибрагимов қатнашдилар.

Пленумда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Менда **таклиф** *бор*

ҲОМИЙЛИК НИШОНИ БЎЛСА

Бозор иқтисодиёти шароитида бирон бир тадбир ёки хайрли ишга қўл уришни ҳомийларнинг ёрдамисиз тасаввур этиш қийин. Зеро, алоҳида ҳомий ташкилотлар ёки муассасалар йўқ, албатта. Яхшиямки ишбилармону тадбиркорлар бор экан. Корхона эгаларими, фермер ёки фирма соҳибларими ҳамиша савобли ишларга шошилиб, ўзларининг ҳимматларини кўрсатадилар, саховатпешалик қиладилар. Афсуски, уларнинг кўрсатган моддий мададларини ҳар ким ҳам билавермайди. Баъзида радио, телевидение ёхуд газеталарнинг бир чеккасида уларнинг номлари камтарона қайд этилади.

Шу боисдан ҳомийларга ўзига хос ном бериб, кўкрак нишонлари ўйлаб топилса, айни муддао бўлармиди. Ана шунда кўча-кўйда юрганларимизда «Маънавият ҳомийси», «Маданият», «Санъат», «Саноат», «Жамғарма», «Маориф», «Ижтимоий ҳимоя», қолаверса, ногиронлар, етим-есирлар, қариялар ҳомийси, деган кўкрак нишонларини тақиб юрган кишиларни кўпроқ учратган бўлармидик. Саховатпеша бундай ҳомийлар ўзларининг кўрсатаётган ҳимматлари изсиз йўқолмаётганлигини қалбдан ҳис этиб, савобли ишларга янада кўпроқ қўл уриш йўлида саъй-ҳаракат қилардилар.

Ширин РАҲИМБЕРДИЕВА.

Хатлар, хатлар, хатлар

ҚАССОБГА ЁҒ ҚАЙҒУСИМИ?

Қиш ғамини ёзда кўр, деган гап бор. Лекин бизнинг Сирғали туман иссиқлик узатиш тизимидагилар иш фаолиятида бунинг аксини қилишади, чоғи. Йўқса, айни қор-ёмғирли кунларда тўсатдан иссиқлик батареяларини ўчириб, хонадонларни музлатиб қўйишармиди? Техник носозликларга ҳавонинг кескин пасайиши сабабмиш. Бизнинг 9-уйда истиқомат қилувчиларнинг аксарияти кўп болали, ёш гўдакли оилалардир. Совуқ бетон девор ичида кўпгина она-болалар кўрпа ичида жон сақлаб «яшаяпмиз».

Айни шу кунларда уй-жойлардан фойдаланиш идорасидагилар эса уйма-уй юриб «қарз ундириш» билан оворадирлар. Қассобга ёғ қайғуси, эчкига жон қайғуси деганлари шу бўлса керак-да.

Сирғали туман ҳокимиятидаги бирорта «иссиқпарвар» аҳволимиздан хабардормикин? Йўқса, қишнинг забти бошланган кунларда яна қанча кўрпага ўралиб кун кўрамиз, буниси фақат уларгагина аёндек.

Ш. Йўлдошева, З. Эгамбердиева, М. Ўринбоева,
Сирғали тумани, Қўйлиқ-6 мавзеси,
9-уйда яшовчилар номидан.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЙЎЛ АЗОБИ»

«Ўзавтойўл» давлат акционерлик концерни Бошқаруви «Ўзбекистон овози» газетасининг 1997 йил 25 октябрь сонида чоп этилган «Йўл азоби» сарлавҳали мақоласини ўрганиб чиқиб, унда баён этилган муаммо ва қийинчиликлар ҳақиқатдан ҳам борлигини эътироф этган ҳолда, қуйидагиларни маълум қилади.

Ушбу йўлнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги 230 километрида ҳозирги кунда таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Йўл таъмирлаш ишлари 2000 йилда тугатилгандан кейин норматив ҳужжатлар талабига тўлиқ жавоб берадиган ва ҳаракат хавфсизлиги таъминланган даражага етади.

Республикадаги умумфойдаланув автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишларининг харажатлари Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 июлдаги 334-сонли «Республика йўл жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида»ги ва 1996 йил унга қўшимча чиқарилган қарорларига асосан амалга оширилади. Йўлдан ўтаётган автомобиллардан қўшимча тўлов олиш масаласини республика ҳукумати ҳал қилади.

Бошқарув раиси
М. АБДУЛЛАЕВ.

НАВБАҲОРДА НИМА БОР?

Навоий вилоятининг кенжа тумани — Навбаҳорда на ҳаммом, на клуб, на музей, на кинотеатр, на истироҳат боғи, на автовокзал бор. Ҳайратдан ёқа ушлаб: «Эй, туманда ўзи нима бор?», — дейилиши табиий. Ахир, «йўқни йўқ, борни бор» деймиз-да! Ушбу туманнинг ташкил топганига 3-4 йил эмас, роппа-роса 17 йил бўляпти. Бу даврда қанча раҳбарлар келиб кетди. Бироқ, биронтаси ҳам ҳашар йўли билан бўлса-да, бирор бир маданий-маиший муассаса ёки замонавий турар жой биноси қурилишига бош-қош бўлмади. Оқибатда туман маданият уйи ҳам, марказий кутубхонаси ҳам ҳали ҳамон мослаштирилмаган, заҳкаш жойларда. Деҳқон ва тижорат бозоридаги шароит ҳам ачинарли. Очиғини айтганда туман маркази Бешра-

Луқма

ботдаги қурилиш ва ободончилик ишлари Қалқон ота, Янгиқўрғон қишлоқларидан орқада қолмоқда.

...Замонавий ресторан, миллий таомлар ошхонаси, кўнгилочар чойхона дейсизми? Бу ҳақда сўз очмаса ҳам бўлади. Ориятли меҳмонлар эса дам олиш, бўш вақтни мароқли ва мазмунли бўлиши учун Қалқонота ёки Янгиқўрғонни хушламоқдалар. Яхшиям ишбилармону тижоратчилар бор. Акс ҳолда Бешработда нон-чой топиш ҳам амри маҳол. Чунки туман нон комбинати қурилиши ҳам ҳаммом сингари келгуси асрга қолган.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояси, қишлоқ инфраструктураси, табиий газ, тоза ичимлик суви муаммоларини ҳал этиш шу кун талаби. Бу борада навбаҳорликларга панжа ортидан қараш инсофдан эмас. Ахир «Элнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, аввало бозорига бор», дейишади-я!

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг янги биноси қурилишида ганчкор усталарнинг ҳиссаси ҳам бор.

А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

ҚИШЛОҚ ЗАВОДИ

УРГАНЧ. Юқорибоғ қишлоғида бир кеча-кундузда ярим тонна колбаса ишлаб чиқарадиган кичик завод фойдаланишга топширилди. Гўштни қишлоқдаги «Баҳром» деҳқон-фермер хўжалиги етказиб бермоқда. Завод маҳсулотлари қишлоқ аҳли эҳтиёжини қондириб, ҳатто туман аҳлига ҳам тақдим этилмоқда. Тадбиркор М. Раҳмонов илгари бир кеча-кундузда 300 килогача нон маҳсулотлари ва 750 шартли банка томат ҳалими тайёрлайдиган заводларни ҳам ишга солган эди.

Рўзимбой ҲАСАН.

ЗАРАРГА ИШЛАЁТГАН ХЎЖАЛИКЛАР

қаддини тиклаш учун нима қилмоқ керак?

Илгари бу савол шундай ҳал қилинарди: хўжалик чорвадан кўрган зарарини пахта сотишдан олган фойдаси билан қоплаб кетаверарди. Ёки бир ҳудудда сердаромад хўжалик бошқалари ҳиссасини чиқариши одатий ҳолга айланганди. Энди эса бозор қонунларига кўра ҳар бир субъектнинг ҳақиқий ҳолати рўй-рост кўриниб туради. Ким зарар кўрса, у синади, демак, бундай хўжалик тугатилиши, мол-мулки қарзга берилиши керак. Бозор иқтисодиётининг талаби шу.

Албатта, банкротга учраган қишлоқ хўжалиги корхонасини бекитишдан осони йўқ. Лекин унинг ортида неча-неча инсонлар тақдири, халқимиз ризқ-рўзи билан боғлиқ масалалар ётибди. Ҳозир Ўзбекистонда жами 587 та хўжалик йилни зарар билан якунлаяпти. Улар келтирган зиён 9,2 миллиард сўм атрофида бўлиши кўзда тутилмоқда. Шунча хўжаликдан 191 таси кейинги уч йил мобайнида сурункали равишда зарарга ишлаяпти. Жиззах вилоятида 102 та хўжалик, Қорақалпоғистонда 89 та, Сирдарё вилоятида 83 та, Самарқандда 61 та хўжалик йилни зарар билан якунламоқда.

Шу йилнинг 29 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойишига кўра, қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳукумат комиссияси ташкил этилди. Демак, ўтиш даврининг беш тамойилидан бири — давлатнинг ўзи бош ислоҳотчиликни зиммасига олиши яна бир бор тасдиқланиб турибди. Ҳукумат комиссияси аъзолари барча вилоятларда бўлишиб, зарар кўраётган хўжаликлар қаддини тиклаш учун нималар қилиш зарурлиги юзасидан маслаҳатлашишди. Пировардида 104 та хўжалик танлаб олиниб, уларни санация қилиш зарур деган хулосага келинди.

Ҳаётда беморни даволаш учун касаллик ташхисини аниқ белгилаб олиш керак бўлади. Бу ўринда ҳам шундай: гап банкротлик ҳолатидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий соғломлаштириш ҳақида кетяпти. Шу жиҳатдан олганда, хўжаликлар қайси ҳолатларда зарар кўришаётганини аниқлаб олиш зарур. Аҳвол синчиклаб ўрганилганда кўп жойларда минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобкитоб қилиб боришда тартиб йўқлиги кўзга ташланди. Оқибатда харажатлар кўпайиб, маҳсулот таннархи ошиб кетган. Масалан, Меҳнатобод туманидаги Ғанишер Юнусов номли жамоа хўжалигида бир тонна пахта етиштириш учун 54,9 минг сўм маблағ кетган. Шуманай туманидаги «Тийекли» хўжалигида бир тонна пахта таннархи 68,5 минг сўмга чиқиб кетган. Бундай аҳволда ҳеч кимнинг косаси оқармаслиги тайин. Юқоридаги каби хўжаликлар муттасил зарар кўриш оқибатидан ўзларининг асосий ва айланма маблағларини сарфлаб қўйган. Зарар кўриш етмаганидек, кредитор қарзлар хўжаликнинг бир оёғига кишан бўлса, ссуда қарзлари яна бир оёғидан тортган. Масалан, Зомин туманидаги «Ғалаба» хўжалигида бутун асосий воситалар 68,7 миллион сўм баҳоланса, субъект қарзи 428,9 миллион сўм бўлган. Анча-мунча хўжаликларда асосий воситалар сотилганда ҳам маблағларни қоплаш мумкин эмаслиги кўриниб турибди.

Хўш, энди нима қилиш керак? Санация бўйича ҳукумат комиссияси қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўзига хос хусусиятлари борлигини назарда тутдилар. Гап шундаки, бевосита ер билан боғлиқ хўжаликлар тақдири саноат корхоналариникига нисбатан мураккаброқ. Албатта, бу соҳада ер асосий восита ҳисобланади. Ер ресурслари амалда чекланган бўлиб, уни бошқа жойга кўчириш ёки ҳисобдан чиқаришнинг иложи йўқ. Жамиятнинг озиқ-овқат, хусусан қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаби узлуксиз ўсиб боряпти. Ерни бир-икки йил «таътил»га чиқариб бўлмаса. Айни пайтда яна бир муаммо — аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ҳам бевосита ва билвосита қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ.

Шу ўринда бозор муносабатларига ўтиш даврида пайдо бўлган санация тушунчаси ҳақида тўхталиб ўтсак. **Санация — бу зарар кўриб ишлайдиган, иқтисодий жиҳатдан ночор қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий соғломлаштириш учун қўлланиладиган чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади. Ундан кўзда тутилган мақсад хўжаликнинг келгусидаги фаолиятини самарали амалга ошириш, кредиторларнинг талабларини қондириш учун унинг тўловчанлик ва иқтисодий барқарорлигини тиклашдир.**

Санациялашнинг вазифалари ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало, хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган зарур ўзгаришларни қўллаб-қувватлашни назарда тутамиз. Шунингдек, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, харажатларни камайтириш ва молиявий барқарорликни таъминлаш ҳам олдинда турган муҳим вазифалар сирасига киради.

Зарар кўриш сабаблари ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, аксарият хўжаликларда шудгорлаш, уруғ қадаш, суғориш, ўғитлаш, алмашлаб экиш каби агротехник тадбирларни амалга оширишда мақбул муддатларга риоя қилинмайди, иш сифати ҳам паст. Яна бир гап. Хўжалик раҳбарлари, мутахассислар ишга киришишдан олдин бизнес режа тузиш ҳақида жиддий ўйлаб кўрмайдилар. Ариқзовурларни тозалаш унутилади. Бошқарув ва транспорт харажатларини камайтириш хусусида қатъий ечимга келинмайди. Хўжаликларни йириклаштириш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини, жумладан оилавий ижарани жорий қилиш муваффақият келтириши ҳақида ўйлашга «фурсатлари бўлмайди». Айни пайтда ҳисоб-китоб ишларини яхшилаш, чек усулини жорий қилиш, харажатлар меъёрларини белгилаш, қарзларни камайтириш каби қатор иқтисодий омиллар борки, улар ҳисобга олинмаса хўжалик зарар ботқоғига ботиб бораверади.

Ана шулардан келиб чиқиб, санация комиссияси ўз олдига бир қатор вазифаларни белгилаб олди. Негаки, мақсад аниқланмасдан мўлжални олиб бўлмайди. Аввало зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор қишлоқ хўжалик корхоналарини инвентаризация қилиш кераклиги уқтирилди. Комиссия хўжаликлар молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг банкротликка тушиб қолишининг олдини олиш юзасидан ягона давлат сиёсатини ўтказишни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисобламоқда. Санацияга тушган хўжаликларни бошқаришни ташкил этишни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Шу ўринда илк қадамларни кўрсатувчи баъзи мисолларга мурожаат қилайлик. Ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиғилишларидан бирида Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари Шайдулла Болтаев Ангор туманидаги «Таллимарон» хўжалигига, Чиноз тумани ҳокими Эшмуҳаммад Бердиев Охунбобоев номли жамоа хўжалигига, Охунбобоев тумани ҳокими Мўйдинхўжа Аҳмадхўжаев Тожиали Бобоев номли жамоа хўжалигига, Зафаробод тумани ҳокими ўринбосари Мусурмон Муносибов Беруний номли жамоа хўжалигига, Чимбой тумани ҳокими Бахтлибой Абдуллаев Авезов номли жамоа хўжалигига раҳбарлик вазифасига тайинландилар. Булардан ташқари, жойларда санация бўйича ҳудудий комиссиялар иқтисодий ночор хўжаликларга тажрибали, ташкилотчи раҳбарларни тавсия этишяпти.

Шуни айтиш керакки, банкротлик тўғрисидаги Қонунда санациялашга 12 ой муддат берилган. Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасида тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда мазкур муддат 24 ой таклиф қилинмоқда.

Санациялашнинг бир тури ташқи бошқарувни жорий этиш ҳисобланади. Ташқи бошқарув ҳам 24 ой муддатгача жорий этилиб, бир вақтда кредиторлар талабини қондиришга ва хўжаликнинг барча мажбурий тўловларига мораторий (тўхтатиб қўйиш) эълон қилинади.

Ислоҳот ва масъулият

Ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги масала қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш бўйича минтақавий комиссиянинг хулоса-таклифи асосида ҳукумат комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Ҳар бир ҳоким ўзи тавсия этган номзод учун жавобгардир. Ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан бошлаб корхона раҳбарининг ва корхона бошқаруви ижро этувчи органларининг ваколатлари тўхтатилади ва бу ваколатлар ташқи бошқарувчига ўтади.

Ташқи бошқарувчи зиммасига санация режасини ишлаб чиқиш ва минтақавий комиссияга тақдим этиш, хўжалик раҳбари ваколатини амалга ошириш, бухгалтерия, молия ва статистика ҳисоботини ташкил қилиш, мол-мулкни инвентаризациялаш, ташқи бошқарув ва кредиторлар билан ҳисоб-китобни йўлга қўйиш учун махсус ҳисоб рақамини очиш, кредиторлар талабларини кўриб чиқиш ва уларни реестрга киритиш, санация режасининг бажарилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботларни минтақавий бошқармага ҳар чоракда, шунингдек, якуний ҳисобот тақдим этиш каби мажбуриятлар юклатилади.

Мораторий жорий қилиниши билан корхона мажбуриятларига ҳисобланадиган молиявий ва иқтисодий санкциялар, жарима ва пенялар ҳисобланмайди. Лекин мораторий корхонани фуқаролар олдидаги меҳнат ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган қарздорлик ҳолатларига татбиқ қилинмайди.

Санациялаш режаси жуда муҳим ҳужжат бўлиб, унда санациялаш учун қишлоқ хўжалик корхонасига асосий воситалар корхонанинг айланма маблағларини кўпайтиришга бевосита таъсир этмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, санация бу давлатларнинг ёки хўжалик субъектларининг иқтисодий ночор корхонага кўрсатган ҳиммати эмас. Санация — хўжалик раҳбарлари ва маҳаллий ҳокимлик ходимлари учун катта масъулиятдир. Санациялаштирилаётган ҳар бир хўжалик қатъий назоратга олинади ва унинг раҳбаридан санация ажратилган маблағларнинг мақсадга мувофиқ сарфланганлиги бўйича тегишли ташкилотларга қатъий ҳисоб берадилар.

Албатта, бошланган бу катта ҳаракат икки йил ичида (кўп жойларда бир йилга бормасдан) ўз самарасини бериши керак. Тўғри, бунинг учун ҳокимлар, хўжалик раҳбарлари, тегишли мутасаддилар масъулдирлар. Лекин молиявий ҳолатни мустаҳкамлаш бўйича ягона давлат сиёсатини қишлоқ хўжалигида меҳнат қилувчи ҳар бир киши — механизаторлар, сувчилар, оддий деҳқонлар — ҳамма юрак-юрагидан англаб ишламаса, муз жойидан кўчиши қийин кечади. Зотан, қишлоқ хўжалигида иш кўпчилик билан битади. Айни пайтда масъулиятнинг катта қисми раҳбар зиммасига тушади. Агар раҳбар сезгир бўлмаса, оёғи ердан узилган бўлса, одамларнинг бугунги кайфиятини илғамаса, маънавий кемтикликнинг ўрнини ҳеч нарса босмайди. Юртбошимиз айтганларидек, олдинда юрадиган одам олдинни кўра билиши керак. Қишлоқ хўжалиги корхонларини санация қилиш тадбири ҳамма учун ўзига хос синовдир.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
иқтисодий шарҳловчи.

1 2 3 4

ИККИНЧИ ЁРДАМ

Япония ҳукумати Вьетнамга беш юз минг доллар миқдорда маблағ ажратишини маълум қилади. Бу маблағ асосан мамлакатда маданият ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш, хусусан, пойтахтда замонавий киномарказ қурилиши учун сарфланади. Бу Японияниинг мазкур соҳа ривожи учун жорий йилда Вьетнамга кўрсатган иккинчи ёрдамидир.

ШАЙХНИНГ АЙТГАНЛАРИ

«Хамас» ислом гуруҳининг йўлбошчиси шайх Аҳмад Ёсин Исроил ҳукумати Иордан дарёси Ғарбий қирғоғи ҳудудларини қайтариб бергандагина бу минтақада қўпорувчилик ҳаракатларини олиб бормаслигини маълум килди. У Исроил телевидениесида сўзга чиқиб, бу ҳудудни Исроил 1967 йилда зўрлик билан босиб олганлигини айтиб ўтди. Бироқ Исроил томони шайх Аҳмад Ёсиннинг бу гапларига ҳозирча муносабат билдиргани йўқ.

Империя сиёсий разведкаси архивидан

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари доктори.
Рустам ШАМСУДДИНОВ,
Андижон Давлат университети профессори,
тарих фанлари доктори.
Поён РАВШАНОВ,
Қарши Давлат университети проректори,
профессор.

ЖАДИДЛАР ВА РУС ДЕМОКРАТЛАРИ

Губернаторнинг фикрича, бу хизмат «ерли аҳолини инқилобий ташвиқотчилардан сақлашда» муҳим рол ўйнаши керак. Унинг мулоҳазаларини Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ҳам маъқуллаб, бугунги кунда сиёсий жиноятчилар сони ерли аҳоли вакиллари ҳисобига кўпайганини ҳам қўшиб қўяди. (Янги Марғилон округ судидаги Ғофуржон Исломжонов, Тошмахсум Муллахўжашев каби ўзбеклар ишини илова қилади).

«Тайёр ҳамда кенг тармоқ отган ташкилот ва идораларга эга бўлган маъмурият ва полиция, — уқтиради у, — кенг аҳоли билан ҳар куни муттасил тўқнашиб туради ва уни назорат қилиш учун ажойиб имкониятга эга бўлажак». Губернаторларнинг фикрини генерал-губернатор Н. И. Гродеков қизғин қўллаб-қувватлаб, ҳарбий вазирликка шу хусусдаги таклифларини жўнатди. Санкт-Петербургнинг ҳарбий-сиёсий доиралари бу таклифларни ғоят жиддий ва зўр қизиқиш билан ўрганди. Император ҳукумати Туркистондаги мустамлака тузумига таҳдид солувчи жиддий куч оз, лекин у рус социал-демократлари, социал-инқилобчилари эмас, балки ўлкада уйғониб келаётган миллий онг эканлигини яхши тушунди. Туркистон империя олий доираларининг диққат марказига тушди. Шахсан император Николай II нинг амри билан Сенат ўлкага сенатор гофмейстер граф К. К. Пален раҳбарлигида барча соҳалар билимдонларидан иборат катта тафтиш комиссиясини юборди.

«Ўрта Осиёдаги сиёсий ғалаёнлар, — деб ёзган эди ички ишлар вазири, — туземецлар кўз олдида Россиянинг бир бутунлигига дахл солиб, давлат аҳамиятига молик хавф-хатар уйғотади, маҳаллий аҳоли хотираси учун беиз ўтмай, аста-секин томувчи заҳар мисоли уларнинг онгини пешлаб, рус ҳукумати қудратига кўр-кўрона ишонч ва руҳий осойишталигига раҳна солажак». Ички ишлар вазири миллий-озодлик ғояси ва аҳоли кайфиятини ўрганиш ва зудлик билан қарши чоралар кўриш учун Тошкентга сиёсий иғвогарликлар устаси, моҳир изқувар, Алоҳида жандармлар корпуси подполковниги Н. А. Васильевни катта ваколатлар билан жўнатди. Бу Петербургнинг Туркистонга йўллаган биринчи де-

5

Бельгия пойтахти Брюссель шаҳридаги НАТОнинг штаб квартирасида ташқи ишлар вазирлари даражасидаги НАТОнинг доимий қўшма

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

кенгаши ҳамда Евроатлантика кенгаши ҳамкорлиги йиғилиши бўлиб ўтади.

***

Хитой ҳукумати Жануби-Шарқий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудуд, деб эълон қилиш тўғрисидаги шартномани қўллаб-қувватлайди. ХХР ташқи ишлар вазири Цзянь Цинэнь АСЕАНга аъзо давлатлар, шунингдек, Хитой, Япония ва Корея Республикаси давлат бошлиқларининг норасмий учрашувида шундай баёнот берди.

Стефан Кох олмониялик журналист. Айни вақтда у мамлакатимизда ўзининг ижодий сафарини якунлаш арафасида. Хорижлик ҳамкасбимиз билан учрашиб, матбуот эркинлиги хусусидаги фикр-мулоҳазалари ҳақида суҳбатлашдик.

ОЛМОНИЯЛИК ТАНҚИДЧИ

Хорижлик ҳамкасбларимиз

— Жаноб Кох, маълумки, ғарб матбуоти ҳар қандай тўсиқ, цензурадан тамомила холидир. Шундай бўлса-да, баъзан ғарб фильмларида негадир бунинг аксини талқин этишади. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Албатта, матуботда эркинлик, ошкоралик жуда кучли. Сиз айтган фикрга келсак, ҳар қандай эркин жамиятда ҳам қарама-қарши кучлар бўлиши мумкин. Газеталар ўртасида-ку, ўзаро рақобат бўлиши табиий. Наинки газета, ҳатто ҳар бир журналист ўз ўқувчисини йўқотса, нуфузини йўқотди деган гап бор. Матбуот эркин.

— Шундай бўлса-да, фаолиятингизда бирорта ўрганган мавзуингизни чоп этолмаган ҳолат бўлганми? Умуман қўпроқ қайси мавзуни ёзасиз?

— Шундай воқеалар ҳам бўлган. Мен танқидчи журналистман. Асосан танқидий мулоҳазаларимни чоп эттираман. Яқингинада анча ўрганиб ёзган мақоламни чоп этишмади. Чунки мақола сиёсий вазиятни чигаллаштиради, деган хулосага келинди. Мен Ўзбекистонга келгунга қадар Қозоғистонда бўлганман. Қозоғистон хусусида ҳам мақола чоп этиш ниятим бор. Барибир «қолдиришган» мақоламни чоп эттираман, албатта. Шуни таъкидлашим керакки, тўғри келган воқеа, ҳодисани ҳам ёзавермайман. Айтайлик, жиддий воқеа рўй берган жойга келганимда аввало, полициячининг гапига қараб, воқеани изоҳлайман. Журналист бундай ҳолатда фақат хабар беради. Шунданам бу мақоладаги фактнинг тўғри ё нотўғрилигининг масъулиятини ўзимга олмайман, иккинчидан «арзигулик» фактларнигина ўрганаман.

— Икки олмон давлати бирлашгач, демократик Олмонияда яшаган халқ янги муҳитга тезда мослашдими?

— Бироз мушкул савол. Очиғи, журналист сифатида кузатганим улар «эркинлик»ни бирданига ҳазм қилолмай, жамиятга мослашолмай қийналишди. Ҳақиқий демократик жамиятнинг ҳам ўзига хос томонлари бор-да. Лекин бу ўринда халқнинг хоҳиш-иродаси бундай қийинчиликларни ҳеч қандай муаммосиз ҳал этади.

— Бугунги олмон газетхони нимани кўпроқ ўқияпти?

— Матбуотда журналист ўзига ўзи эркинлик яратади. Лекин охирги пайтларда давлат матбуот ишига аралашаётган ҳоллар ҳам бўляпти. Эркин матбуотда ҳам мақсадга фақат курашибгина эришилади. Йўқса, журналист боя айтганимдай ўз ўқувчисини осонгина бошқага бериб қўяди. Бугунги олмон газетхони эса... Назаримда кўп нарсани, умуман, газетани ўқимай қўйди. Негаки, ахборот олиш манбалари, информациялар ҳаддан зиёд кўп. Менимча, бу информациялар уларга «юк»дек. Шундаям олмон ўқувчилари газеталарни кам мутолаа қилишяпти-да. Юртингизда эса муштарийлар кўплигини кўрдим. Кўплаб ҳамкасблар билан суҳбатлашганимда шу нарсага амин бўлдимки, Ўзбекистон ҳам, ижодкорлариям шиддат билан олдга боряпти.

— Жаноб Кох, суҳбат ва ижодкорлар ҳақидаги илиқ гапларингиз учун ташаккур.

— Узр, негадир мендан «Ўзбекистон ҳақидаги таассуротингиз?» деб сўрарсиз деб ўйловдим. Ахир, танқидчиман, фикрим сизни қизиқтирса керак... Сўрамасанғизда айтайин, Ўзбекистонга келиб кўрганларимнинг бари яхши. Энг яхшиси — ўзбек халқи. Самимияти! Буни айтмасликнинг эса сира иложи йўқ...

Суҳбатни Саида ЙЎЛДОШЕВА ёзиб олди.

Чехияда «Нигерия наркомафияси» деб аталувчи йирик жиноятчилар тўдаси тугатилди. Мазкур гуруҳни қўлга олиш операциясида Европанинг бир қанча мамлакатлари, шунингдек АҚШ ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирок этди.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

Гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланувчи мазкур гуруҳнинг 20 нафар аъзоси ҳибсга олинди. Шунингдек, ўтказилган операция натижасида 100 килограммга яқин наркотик модда мусодара қилинди.

***

Энди Хитой полиция маҳкамасининг зобитлари келгуси икки йил давомида касб фаолиятга яроқлилик, жисмоний, сиёсий ва маънавий тайёргарлик бўйича тест синовларини топшириш-ларига тўғри келади.

Давлат умумхавфсизлик маҳкамаси раҳбариятининг маълум қилишича, бу тадбир ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари учун кадрлар танлашга кўмаклашади. Шунингдек, бу полицияда ишлашга нолойиқ бўлганларни ишдан четлатиш имконини ҳам беради.

АЭС ЁПИЛАДИ

Швеция парламенти Барсэбеке атом электр станциясини ёпиш тўғрисида қонун қабул қилди. Мазкур қонун келаси йилнинг 1 январидан кучга киради.

Маълумки, ушбу АЭС Швециянинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, Дания ҳудудига жуда яқин. Айнан шу сабабли анча йиллардан буён Дания ҳукумати мазкур станциянинг ишлашига норозилик билдириб келарди.

«ТОСИОКУ» ИНҚИРОЗГА УЧРАДИ

Япония қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги танглик ҳамон давом этмоқда. Куни кеча биржада бўлиб ўтган олди-сотдида озиқ-овқат савдоси билан фаолият кўрсатаётган «Тосиоку» компанияси молиявий инқирозга юз тутди. Биржадаги омадсизлик мазкур компаниянинг амалда синишига сабаб бўлди.

Мутахассисларнинг фикрича, «Тосиоку»нинг қарзи 7,7 миллиард АҚШ долларидан зиёдроқ бўлиб, у Токио биржасида хонавайрон бўлган фирмаларнинг тўққизинчисидир.

Мафикенг шаҳрида очилган ҳукмрон Африка миллий конгресси партиясининг 50-съезди Жанубий Африка Республикасида катта аҳамиятга эга бўлган воқеа, деб ҳисобланмоқда. Бинобарин, Нельсон Мандела ўз ихтиёри билан ушбу ташкилот раиси вазифасидан кетишга қарор қилди. Узоқ йиллар давомида Мандела қора африкаликларнинг ирқчиликка ва апартейдга қарши курашининг рамзига айланиб қолганди. У озодлик ҳаракатининг асосий қаҳрамони, дунёдаги энг ҳурматга сазовор бўлган сиёсий раҳбарлардан бири эди.

МАНДЕЛАНИНГ ВОРИСИ АНИҚ

Йиллар албатта ўз таъсирини кўрсатади. 79 ёшли Мандела Африкадаги мамлакатлар президентлари ичида биринчилар қатори ўз ихтиёри билан партияга ва мамлакатга раҳбарлик қилишни ўзидан ёшроқ ворисга бўшатиб беришга қарор қилди. 1999 йилнинг апрель ойида бўлиб ўтадиган сайловларда ўз номзодини қўймайдиган бўлди.

3 мингдан зиёд съезд делегати ўзлари севган кишига қарсаклар чалишди. Кейинги кунларда эса улар ўз ҳукмрон партияларининг навбатдаги ҳаракат дастурини муҳокама қиладилар. Ворис тўғрисида эса олдиндан қайғуриб қўйилган эди. Манделанинг ўринбосари 55 ёшли Табо Мбеки Африка миллий конгресси раиси этиб сайланди.

007 – АЙҒОҚЧИ ЭКРАНДА

Кино оламида

Англиялик ўткир айғоқчи Жеймс Бонд ҳақидаги жангари фильм «Эрта ҳеч қачон ўлмайди» деб аталади. Бош ролни Бонд ҳақидаги аввалги «Олтин куз» фильмидагидек Пирс Броснэн ўйнаган. Ушбу фильм ўтган жума куни, яъни 19 декабрда Рождество байрамларига совға сифатида экранларга чиқарилди. Броснэн кўпгина кадрларнинг асосий қаҳрамони бўлмаса-да, унинг тасвири телеэкранларда доимо чиқиб туради. Унинг номи «БМВ» фирмасининг мотоциклларида ҳам, «Виза» кредит карточкаларида ҳам, «Хайнекен» пивосида ҳам, «Лореал» компаниясининг пардоз воситаларию «Смирнофф» арағида ёки «Авис» фирмасининг автомобилларида намоён бўлади.

Бу фильмлар ишлаб чиқариш ва тижорат рекламаларидаги янги ном. Аввалари компаниялар у ёки бу маҳсулотлари реклама қилинган ленталарнинг қанча кўп даромад келтиришига қараб ҳақ тўлашарди. Масалан, томошабинларнинг 350 миллион доллар пулини шилиб олган «Олтин куз» фильмида Бонднинг одатдаги «Астон-Мартина» машинаси ўрнига «БМВ–23» машинаси пайдо бўлди. Шундан сўнг фильм қайноқ гуммадек чаққон сотилди. «Эрта ҳеч қачон ўлмайди» фильмида эса юқорида санаб ўтилган буюмларнинг барчаси намойиш этилди. Бироқ маҳсулот ишлаб чиқарувчилар бунинг учун ҳеч нарса тўлашмади. Улар бунинг ўрнига ўз маҳсулотлари орқали фильмнинг ўзини мисли кўрилмаган тезликда реклама қила бошлашди.

СУРАТДА: «Эрта ҳеч қачон ўлмайди» фильмидан лавҳа. Жеймс Бонд тўғрисидаги фильмдаги асосий аёл ролларидан бирини актриса Сесил Томпсон ижро этди.

«РЕЙТЕР» олган сурат.

Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа аэропортига қўниш пайтида Тожикистон давлат авиакомпаниясига қарашли ТУ-154 самолёти ҳалокатга учради. Ҳалокат арафасида самолёт бортида 86 киши бор эди. Улардан 77 киши йўловчи ва 9 киши экипаж аъзолари. Самолёт 500-600 метрлик баландликдан қулаб тушди. Бу ходиса аэропортдан тахминан саккиз миль узоқликда юз берди. Фожианинг гувоҳлари ҳам бўлиб,уларнинг гаплари бир-бирига тўғри келмайди. Баъзилари

ФАҚАТ ШТУРМАН ТИРИК ҚОЛДИ

самолётнинг двигатели ёнди дейишса, айримлари унинг шовқинсиз ерга тушганини,бошқалар эса лайнер ҳавода портлаб кетганини айтишмоқда.Ҳақиқатни бошланиб кетган тергов ҳаракатларидан билса бўлади.

Ҳозирги пайтда шаржалик қутқарувчилар иш олиб боришмоқда. Улар учала «Қора қути»ни ва ҳушдан кетган уч йўловчини топишди. Улардан икки киши вафот этди. Учинчиси — экипаж штурмани Сергей Петров шифохонага ётқизилди. У маълумот бериши мумкун.

Душанбе аэропортининг бошлиғи Рустам Рустамовнинг айтишига кўра ҳалокатга учраган самолёт созланган экан. Унинг имкониятлари 2007 йилдагина тугармиш. Самолётга кўп юк ортилган эди,деган гап ҳам нотўғри. Чунки унинг ярмига ҳам юк ортилмаганди.

Тожикистон ҳукумати ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ёрдам уюштириш учун ҳукумат комиссиясини тузди. Унга республика Бош вазири Яҳё Азимов бошчилик қилмоқда.

МИТТИ МАГНИТАФОН

Японияниинг «Сони» фирмаси мутахассислари дунёда энг кичкина магнитафон ясадилар.

Магнитафон кассетасининг ҳажми почта маркаси билан тенг бўлиб, қалинлиги 5 мм, узунлиги 3 см., энига 2,15 мм.дан катта эмас.

Кассета стандарт ҳолатидан тўрт марта кичик бўлишига қарамай, 2 соат айланади.

ҒАЛАТИ ОДАМЛАР

Мадагаскар оролининг шимолидаги бориб бўлмайдиган чангалзор-ўрмонзорларида «митти» одамчалар яшар экан. Оила бошлиғи 40 ёшли Гмату Бавимбенинг бўйи 51 см.га тенг. Унинг хотини Намити Гамбертау эса 49,5 см.гача ўсган. Иккинчи хотининнинг бўйи атиги 46 см., қизи Каратаби Сумантранинг бўйи эса 43,5 см.дан ошмаган.

ЧЎНТАК ТЕЛЕВИЗОРИ

Японияниинг «КАСИО» фирмаси «Си-Ви-1» деб номланган рангли чўнтак телевизорини сотувга чиқарди. Экранининг диагонали 3,57 см., баландлиги 9,1, эни эса 6 см.га тенг. Қалинлиги 2,4 см., оғирлиги 170 грамм.

Бу телевизорни чўнтакда олиб юриш, хоҳлаган жойда, хоҳлаган дастур кўрсатувларини бемалол томоша қилиш мумкин.

У батарея, машина аккумуляторида, ҳатто 220 вольт кучланишда ҳам ишлайверади.

Эргаш МАТҚУРБОНОВ тайёрлади.

санти эди. Полиция департаменти Туркистонда жандарм-миршаблик хизматини йўлга қўйиш учун сиёсий изқувар Леонид Квицинский бош бўлган бир гуруҳ жандарм зобитларини ҳам десантга кўмак учун юборди.

Санкт-Петербургдаги олий доиралар худди ўша 1907 йили Туркистондаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ҳақида Парижда эълон қилинган ва бутун Овруподa катта қизиқиш уйғотган француз армияси майори Лякостнинг Ўрта Осиёга оид ҳисоботидаги фикрлардан ҳам хавотирга тушган эдилар. 1906 йилнинг мартидан 1907 йил мартигача Туркистон, Ҳиндистон, Эрон ва Афғонистонда бўлган француз зобити рус мустамлакасидаги сиёсий кучларга разведкачига хос зийраклик билан баҳо берган эди. Майор Лякост Туркистонда таъсирчан «Ёш сартлар» фирқаси мавжудлиги, у ўз миллий дастурига эгалиги ва фирқа рус мустамлака тузумига қаршилик кўрсатишга қодир эканлигини ёзган эди. Француз зобити «Ёш сартлар» номи остида жадидларни назарда тутгани мустамлакачиларга аён эди. Бош штаб, Туркистон ҳарбий округи штаби разведка бўлими шундан сўнг жадидларга эътиборни кучайтирди. Тошкент эски шаҳри полицмейстери подполковник Н. Н. Караулшчиков «Ерлилар ўртасида озодлик ҳаракати» мавзусида ёзган маърузаномасида сўнгги вақтларда ерлилар анча далиллашиб, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан уйғонганликлари ва бу соҳада илғор зиёлилар минбари — жадидлар ташкил қилган «Тараққий» газетаси салмоқли таъсир кўрсатганини» алоҳида уқтириб ўтгани бежиз эмас. Метрополия маркази вакили, Алоҳида жандармлар корпуси подполковниги Васильев ўзининг дастлабки фаолиятини ўзбек зиёлилари — жадидларнинг рус инқилобий фирқалари билан алоқасини аниқлашдан бошлади. У Тошкент шаҳар ҳокимидан жадидларнинг етакчилари ва уларнинг матбуот нашрлари ҳақида маълумот талаб қилди. «Менга шуни хабар қилишингизни илтимос қиламанки, — деб ёзган эди Васильев, — 1907 йилда Тошкентда сарт тилида «Хуршид» деган номда газета чиққанми? Ким унинг муҳаррири бўлган? Қачон чиқа бошлаган? Қандай сабабларга кўра тўхтатилган? Унинг йўналиши қандай бўлган? Қайси босмахонада чиққан? Неча нусхада тарқатилган?». Тошкент шаҳар бошлиғи унга тезкорлик билан жавоб йўллаган: «Хуршид» газетаси соф сарт тилида 1907 йилдан бери чиққан. Муҳаррири Шайҳовандтаҳур (Шайхонтоҳур) даҳасининг Дархон маҳалласида истиқомат қилувчи Мунавваркори Абдурашидхонов, ёрдамчиси Фансуролоҳбек Худоёрхонов ва котиби Падаркуш маҳалласида яшовчи, сарт мулла Муҳаммад Раҳимҳожи Муҳиддинхўжаев. Газета 6-7 ой чиқиб, ҳукуматга қарши мақолалари ҳамда халққа хитобномалари учун ёпилган. Газета жуда сўл йўналишда бўлиб, обуначилари сони 300 дан зиёд эди».

Подполковник Николай Васильев ва полиция маслаҳатчиси Леонид Квицинский марказнинг махфий кўрсатмалари асосида ўлка халқларининг мустамлака тузумига қарши миллий-озодлик курашига раҳбарлик қилишга қодир, майор Лякост ёзган «Ёш сартлар» — жадидлар ва уларнинг ҳукуматга қаршилик кўрсатувчи «миллий дастурлари» нималардан иборат эканлигига асосий диққатларини қаратишди.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

6

САРИҚДАН САҚЛАНИНГ

Ёш болаларда сариқ касаллиги қандай намоён бўлади ва унинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш керак?

Авваламбор шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, мактабгача ёшдаги болаларда (3 ёшдан 6 ёшгача) асосан А гепатит касаллиги учрайди. Сариқ касаллигининг ушбу тури соғлом одамга ифлосланган сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, қўллар, идиш-товоқлар ва ўйинчоқлар орқали ўтиши мумкин. Шуниси ачинарлики, сариқ белгиси юзага чиқмасдан ўзидан чиқиндилар орқали ташқи муҳитга жуда кўп миқдорда вирусларни ажратади ва бу жараён хасталик маълум бўлиб, бола ўртоқларидан ажратилгандан кейин тўхтайди. Бу даврга келиб (касал бола шифохонага ётқизилган вақтда) бемор атрофидагиларга хавф туғдирмайди.

Вирус организмга тушиб, касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлгунга қадар ўтган муддат дарднинг яширин даври деб аталади. Ушбу муддат 7 кундан 45 кунгача давом этиши мумкин. Бу даврда касаллик аломатлари сезилмайди. Касалликнинг биринчи белгилари тўсатдан бошланиб-бадан увишиб, тана ҳароратининг кўтарилиши, бош оғриши, йўтал, бурун битиши, томоқ оғриши кузатилади. Ошқозон-ичак фаолиятининг бузилиши белгилари билан ҳам бошланиши мумкин. Шунингдек, иштаҳанинг йўқолиши, кўнгил айниши, қайт қилиш, ўнг қобирға остида оғриқ пайдо бўлиши ушбу касалликка чалинганлик белгисидир. Ушбу ҳолат кўпинча 2—3 кун давом этади ва болалар ўзларини анча енгил ҳис қила бошлайдилар. Аммо бу алдамчи енгиллик бўлиб, шу кунларда бола лоҳасланади, пешобининг тўқлашганлиги, кўз оқсил моддасининг сарғимтир тусга кирганлиги ва эртасига бутун тананинг сариқ рангга бўялганлигининг шоҳиди бўламиз.

Ёш болаларда (асосан 3 ёшгача бўлган болаларда) юқумли В гепатити ҳам кўп учрайди. Бу касалликнинг юқиш сабаби асосан, касал одамнинг қонидан соғломларга ҳар хил тиббий муолажалар натижасида ўтиши, деб ҳисобланади. Аслида В гепатит хасталиги билан оғриган болаларнинг 40 фоиздан кўпроғи В гепатит билан оғриган оналардан дунёга келганликлари сабаб эканлиги тиббиёт фанига маълумдир.

Вирусли гепатит ҳомиладор аёлларда секин-аста ривожланиб боради. Буларга асосан тинка қуриши, иштаҳанинг йўқолиши ва қоринда кучли бўлмаган оғриқнинг пайдо бўлиши билан белги беради. Баъзан касалликнинг бу аломатлари (кўз оқсил моддаси ва тана сарғаймаса) ҳомиладорлик натижаси деб қабул қилинади ва беморлар ўз вақтида тиббий ёрдамга мурожаат қилмайдилар. Касалликнинг ҳомиладор аёлларда оғир ўтиш сабабларидан бири тиббий муолажанинг кечикиб бошланганлигидан бўлса, иккинчидан аёлларнинг кўп туғиш ва етарли даражада овқатланмаслик натижасида заифлашишларидир.

Кузатувлар шуни кўрсатдики, оналарда сариқ хасталиги авж олган даврда дунёга келган болаларнинг деярли ҳаммаси

Шифокор огоҳлантиради

она қони орқали касалликни юқтириб туғилар экан. Ушбу ҳолларда, яъни аёлларнинг ҳомиладорлик даврида қонида гепатит вируси топилганда, албатта юқумли касалларни даволовчи врачга мурожаат қилишлари ва керакли ёрдамни олишлари зарур (ҳатто улар ўзларини яхши ҳис қилсалар ҳам).

Б. НИЁЗМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 23 dekabr, seshanba № 150 (22.233).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

УМИДЛИ ХОНАНДА

Самияхон Тошкентдаги Театр ва рассомчилик олийгоҳини 1985 йилда тамомлаб, ўзининг жонажон юрти Охакчи қишлоғидаги «Навбаҳор» ашула ва рақс дастасига қабул қилинди. 1986 йилдан эътиборан, у республикада ёш иқтидорли қўшиқчи сифатида танилди. 1990 йили ташкилотчилик қобилияти учун Нарпай туманидаги марказий маданият уйига бадиий раҳбар вазифага ўтказилди. Самияхон Эргашева вилоят ва республикада ўтказилган барча кўрик-танлов анжуманларни иштирокчиси ва совриндоридир.

1991 йилда республика «Алла»чилар кўрик-танловида қатнашиб фахрли II ўринни эгаллади. Шу йилнинг октябрь ойида Бухорода ўтказилган «Мақомчилар» танловида ҳам II ўринни олиб, Самарқанд вилояти шарафини юқорига кўтарди.

1992 йилни баҳор кезларида республика «Бодом гуллар» кўригида «Мен қўшиқ куйлаганда» ашуласи билан I ўринни олганлиги ҳаммани эътиборини қаратди. 1992 йилнинг кузида, республикада марҳум бастакорлар асарлари бўйича кўрик танлов ўтказилди. Самияхон бу кўрикда Фахриддин Содиқов музикаси билан айтиладиган «Оқ олтин карвон, карвон» қўшиғини ижро этиб, томошабин ва ҳайъат аъзоларини олқишига сазовор бўлиб, фахрли II ўринни эгаллади. Аммо, негадир номаълум сабаб билан Самияхонга III ўрин фахрий ёрлиғи топширилди. 1993 йилда (июнь ойида) Тошкент шаҳри «Абул Қосим» мадрасасида республика «Алла»чилар баҳсини 2-тури бўлиб ўтди. Самияхон бу танловда Икром Акбаров музикаси билан айтиладиган «Алла» қўшиғини ижро этди. Хонанда республика олий совриндори деган фахрий ўринга сазовор бўлди.

Самияхон фақатгина ёқимли ашулалар ижрочиси бўлмай, уста санъаткорлар куйлаган ва куйлаётган қўшиқларнинг ҳам шайдосидир. Шу муносабат билан Самияхоннинг ҳозирги қўшиқ репертуарида ҳожи Абдулла Абдурасулов, Тўхтасин Жалилов ва унинг сулоласига оид қўшиқ ва ашулалар жуда кўп.

Самияхонни мақсади навбатдаги республика кўрик танловларида ижрочи ва устоз сифатида иштирок этиш. Биз барча мухлислар номидан, унга омад, ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Ўткир ПЎЛАТОВ.



Қиш манзараси.
Бозорбой ЖУМАБОЕВ олган сурат

Ҳаёт дафтаридан кўчирмалар

КЕЧИКИШ

Ёшлигимда кўп касал бўлардим. Муштипар онажоним ҳар куни икки-уч маротаба касалхонага кўргани келардилар. Бир куни негадир келмадилар. Эртаси куни эса жаҳлим чиқиб, олиб келган егуликларини кўз олдиларида ахлат челагига ағдардим. Мунгли кўзларидаги ёшлари ним ажин тушган юзлари аро оралади: — Болажоним, мени кечир, кеча опангни ўғли оламдан ўтди. Шунинг учун олдингга келолмадим, — дедилар. Гапларини эшитиб тошдек қотдим. Бир ахлат челагидаги ҳовури чиқиб турган овқатга, бир кўзларидан шошқатор ёш оқиб турган онамга жавдираб қарардим. — Онажон, ақлсиз ўғлингизни кечиринг, дейиш эса хаёлимга ҳам келмасди...

КЎНГИЛ

Инсон кўнглидай нозик нарса бўлмаса керак бу дунёда. У синдими, тиклаш амри-маҳол. Дил ҳам оққўнгил, меҳрибон, меҳмоннавоз, қадр-қимматни биладиган инсонга талпинади.

Абдураҳмон Тўраев деган амаким бор. Кўнгиллари дастурхонларидек кенг ва очиқ. Қачон қишлоққа йўлим тушса у киши билан албатта учрашишга ҳаракат қиламан. Кечагина суҳбатлашган бўлсак ҳам: — Ҳа, укам кўринмай қолдингиз? Ишлар кўпайиб кетдими — дейдилар. Ахир тунов куни... Гапимни бўладилар: — Инсон инсонга ғанимат. Ҳар куни ҳар соатда келинг... Баъзан иш билан овора бўлиб боролмайман. Шунда узоқ-узоқларда ниманидир унутиб қолдиргандек сезаман ўзимни. Кўнгил тубида сезилар-сезилмас ўкинч пайдо бўлади.

ҲУСН

Гўзал деган синфдошимиз бўларди. Исми жисмига монанд — ҳақиқатдан ҳам гўзал эди. Йиллар ўтди, улғайдик. Синфдош йигитларнинг юрак тўла «оҳ-воҳ»лари унга таъсир қилмади. Гўзалимиз ҳеч кимга кўнгил қўёлмади. Узоқ қишлоққа турмушга чиқди.

Умр ўтмоқда. Яқинда уни учратиб қолдим. Эри билан ажрашибди. Ҳамон ўзгармаган. Бироз тўлишиб, янада гўзаллашгандек. Бир кам дунёми... ҳамма нарсани ҳусн ҳал қилолмас экан.

Абдумалик БОТИРОВ.

Спорт

ОКЕАН ОРТИДАН ОЛТИН

***БОКС.** АҚШда Қуролли Кучлар чарм қўлқоп усталари ўртасида жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Бу баҳсда мамлакатимизнинг тўққиз нафар боксчиси иштирок этди. Дастлабки маълумотларга қараганда юртдошларимиз битта олтин, учта кумуш ва бешта бронза медалига эга бўлишган. Хусусан, таниқли боксчи Наримон Отаевнинг олтин медални қўлга киритиши шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз таралди. Яна бир спортчимиз Темур Иброҳимов кумуш медаль соҳиби бўлди.*

ФРАНЦИЯДА ДОНА СУРИБ

***ШАХМАТ.** Франциянинг Канн шаҳрида болалар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилиги якунланди. Халқаро дона суриш баҳсларида умидли шахматчиларимиз бўш келмасликка ҳаракат қилишди. Жумладан, 12 ёшлилар ўртасида спорт усталигига номзод тошкентлик Катя Корбут билан Антон Филиповлар 11 имкониятдан 7,5 тадан очко жамғариб, совриндорлар қаторидан жой олишди. 10 ёшлилардан қашқадарёлик Сарвиноз Эргашева билан қорақалпоғистонлик Азамат Давронбоев 6,5 тадан очко билан кучлилар сафида бўлишга имкон топдилар.*

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-47-80, 133-38-55.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қатталқўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 21 523 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Узбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0808

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

БИР ОҒИЗ СЎЗ

Оила — муқаддас

Рустамжон хизмат сафаридан Янги йил арафасида қайтди. Тўғри ишхонасига борди, тўпланиб қолган шошилинч юмушларини саранжом-саришта қилди, ҳамкасбларини, дўстларини кириб келаётган Янги йил билан қутлади. Уйга қайтиш вақти етганда эса хонасида хаёл суриб, анча ўтириб қолди: шу пайтгача ёлғизлиги унчалик билинмаганди. Лекин, кимдир янги йилни оиласи даврасида, яна кимдир ота-онаси, қариндошлари билан кутиб олишга ошиқаётганини кўриб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Мана, қарийб бир йилдирки, хотини Зумрад — унинг ўйламай айтган бир оғиз сўзи сабаб — онасиникида. Рустамжоннинг узр сўраб, қайта-қайта боришлари ҳам, қайнонасининг: «Борақол, жон қизим, бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйма», деб ялиниб-ёлворишлари ҳам фойда бермади...

...Рустамжон анчадан буён ҳувиллаб ётган уйини бироз тартибга келтирган бўлди, янги йил билан табриклагани қўни-қўшнилар кириб қолар, деб енгил-елпи дастурхон тузатиб қўйди. Зумрадга атаб олган чиннигулларни идишга жойлаб стол ўртасига жойлаштирди. Соатига қаради — янги йилга ҳали беш-олти соат бор. Йўл чарчогини тарқатиш учун диванга чўзилди. Кўзи деворда Зумраднинг янги келинлик кунларида бирга тушишган суратига тушди: «Эҳ, Зумрад, Зумрад, сени қанчалар соғинганимни билсанг эди. Биламан, ҳаммасига ўзим айбдорман. Бир беандишанинг қутқусига учиб ўшанда қўпол хатога йўл қўйдим. Наҳотки, ҳам кайф, ҳам жаҳл устида айтиб юборган ўша бир оғиз сўзимни кечиришинг шунчалик қийин бўлса?..»

У чуқур уҳ тортиб, ўтган йилнинг худди шу кунида бўлиб ўтган ўша машъум воқеани хотирлай бошлади.

...Ҳар гал Янги йилни кутиб олиш, Рустамжон билан Зумрад учун қўшалоқ байрам ҳисобланарди. Негаки, эски йилнинг охирги куни — Зумраднинг туғилган куни. Эсида: ўша куни Рустамжон хуш кайфият билан совға-саломлар, турли ичимликлар, Зумрад учун сара чиннигуллар харид қилди. Зумрад кун бўйи ҳар хил лаззатли егуликлар пиширди. Ҳамма кўнгилсизликлар Янги йилни бирга кутишмоқчи бўлишган акаси — Қосимжон, кеннойиси — Ҳикоят болалари билан келиши арафасида бошланди. Кутилмаганда Зумрад шифокор бўлган туғуруқхонадан телефон қилиб қолишди: зудлик билан ҳомиласини операция қилиб олишга муҳтож аёлни «тез ёрдам»да туғруқхонага келтиришибди. Аксига олиб ўша кунги навбатчи тўсатдан оғир бетоб бўлиб қолибди... Хуллас — Зумрад бормаса бўлмайдиган.

Кутилмаган аҳвол таъсирида эр-хотин бир зум сўзсиз қолишди. Рустамжон ўзига савол назари билан қараб турган Зумрадни шошилтирди:

— Бўлақол, албатта боришинг керак. Ахир, икки инсоннинг ҳаёти сенга боғлиқ бўлиб турибди.

Зумрад шоша-пиша кийиниб жўнаб кетди. Ҳикоятга эса сабаб топилди-қўйди. Хотинининг «қилиқ»ларига қуникиб кетган оғир-вазмин Қосимжоннинг такрор-такрор айтган «бўлди қил»ига парво ҳам қилмай, Ҳикоят оғусифат гапларни бир зумда қалаштириб ташлади:

— Оббо, сизнинг хонимчангиздан бошқа дўхтир қуриб кетибдими? Биламан, иш баҳона — дийдор ғанимат. Эҳ, гўл қайнигинам-ей, бу хонимчангизнинг янги йилни, ўзининг туғилган кунини бирга нишонлаш учун жазмани билан атайлаб ўйлаб топган ҳийласи эканини наҳотки сезмасангиз?.. Қайнигинамнинг бўшбаёвлигидан фойдаланиб, олимлик пулларини шилиш учун, бошини айлантириб тегиб олганлар-да. Унинг тўрт йилдан бери бола кўришни хоҳламай юргани ҳам бежиз эмас...

Ҳикоят оғзидан боди кириб — шоди чиқиб узоқ жавради. Рустамжон кеннойисининг феъл-атворини яхши билиб қолган — унга гап қайтариш лаҳча чўққа керосин сепиш билан баравар. Фарзанд кўришнинг эрта-кечи йўқлигини эса ҳар нарсани ўз қаричи билан ўлчайдиган Ҳикоят каби қалтабинларга тушунтириб ўтириш сўқирга чироқ тутиш деган гап. Рустамжон илонни ёғини ялаган шундай хотин билан муросаю-мадора қилиб келаётган акасига ич-ичидан ачиниб тишини-тишига қўйди. Аламини ичкиликдан олди. Кетма-кет ичилган оғу ўз «кучи»ни кўрсатди: акасининг қаршилик кўрсатишига қарамай, телефонда қайта-қайта Зумрадни сўради.

Орадан бироз вақт ўтгач Зумраднинг ўзи телефон қилди — меҳмонларни Янги йил билан табриклади. Операция яхши ўтганини, ўғил туғилганини, лекин чақалоқ билан онасини бошқа врач келгунгача назоратсиз қолдириб кетолмаслигини тушунтирди. Ширакайф Рустамжонга унинг ҳамма гаплари қалбакидек туюларди. Хаёлидан Ҳикоятнинг «дийдиё»лари нари кетмасди. Шубҳа-гумонлари тобора кучайиб борарди...

У Зумрадга охирги марта телефон қилганида: «Ҳозироқ келмасанг уйга умуман қайтиб келма», деб юборганини элас-элас эслайди. Ярталаб ўзига келгач, катта хатога йўл қўйганини англади. Бироқ энди кеч эди — чинни дарз кетиб бўлганди. Телефон қилиб, Зумраддан узр сўраси — у эшитишни ҳам хоҳламади, уйига қайта-қайта борди — рўйхуш бермади. Кунлар, ҳафталар, ойлар ўтди. Бироқ вақт ўтган сари Зумраднинг унга бўлган муомаласи, негадир, янада ёмонлашиб борарди. Рустамжон икки ой муқаддам ишхонасига борганда эса хотини ҳатто у билан гаплашишни ҳам истамади.

Рустамжон ҳайрон: «Наҳотки, аччиқ устида айтилган бир оғиз сўз билан тўрт йиллик ширин турмушимиз бузилиб кетса? Наҳотки, институтда беш йил бирга ўқиб, бир-биримизга меҳр қўйиб қурган турмушимиз шу қадар омонат бўлса? Ё, кеннойим ҳақмикин? Йўғ-е, бундай бўлиши мумкин эмас!..»

Хаёли бўлинди — эшик қўнғироғи жиринглади. Акаси Қосимжон экан. Ака-ука ҳол-аҳвол сўрашиб бир-бирини байрам билан табриклашгач, Қосимжон синиқ овозда гап бошлади:

— Ука, уйингга бир неча марта келиб-кетдим, ишхонангга телефон қилдим — чет элга, хизмат юзасидан кетган дейишди. Аҳволингдан хабардорман. Ҳаммасига айбдор кеннойинг — Ҳикоят. Ўтган йили худди шу куни кўнгилсизликни бошлаган ҳам, кейинчалик уни газак олдириб, кучайтирган ҳам ўша. Ҳа, ҳа, ука, ҳайрон бўлма. Худди шундай. Мени кечир, укажон. Уни тўғри йўлга сололмай умрим ўтиб кетяпти. Гоҳида у билан орани очиқ қилиб юборай дейману, ўртадаги тўртта норасидани ўйлайман. Уларда нима гуноҳ? Сен билан иккимизнинг ота-онасиз ўсганимиз кўз олдимга келади... Яхшиямки заводдаги ишим, дўстларим бор — шулар билан овунаман... Йўқ, йўқ, ука, сен менга далда берма. Ҳали асосий гапни айтганим йўқ. Мен Зумраднинг нега сендан шунчалик қаттиқ хафа бўлганининг охирига етдим. Сен билан менга билдирмай, Зумраднинг ишхонасига, маҳалласига қатнаб, сенинг номингдан унинг шаънига таҳқирона гаплар айтиб келган ҳам, ёзда сен ганмиз. Келинг, танишиб олайлик: отим — Зарифбек, бу киши рафиқам — Мунисхон. Лекин олдинги гал салом-аликни ҳам насия қилиб эшикдан қайтаргандингиз. Ўшанда рафиқангиз Зумрадхоннинг ишхонасидан уй адресларингизни олиб топиб келгандим. «Зумрадхон шу ерда турадиларми?» деган саволимга қўрс жавоб берганингиз сабабини кейинчалик — Зумрадхон билан учрашгач, англагандим. Бизнинг мана шу мурғак Ёдгорбек ўтган янги йил оқшомида қилган «гуноҳ»ини ўзи ювгани келди.

Зарифбек «гуноҳни ювиш»нинг маъносини тушунолмай ҳайрон бўлиб турган Рустамжонга Ёдгорбекни узатди:

— Энди, иккинчи қўлингизга стол устидаги гулларни олинг-да Ёдгорбекнинг ташқарида турган «Қор қиз»ини ҳам кутиб олинг.

Рустамжон бир қўлида гул, иккинчи қўлида Ёдгорбек кўча эшик томонга юрди. Йўлакда кулимсираб Ёдгорбекнинг «доя буви»си Зумрадхон турарди...

Юсуф МУҚИМБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

«Мивон» гуруҳи ваколатхонасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Тош-Чинет» Ўзбекистон-Покистон қўшма корхонаси **ТУГАТИЛАДИ**
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент Давлат 1-тиббиёт институтини 1994 йилда тугатган Аллаёрова Гулжамол Холмўминовна номига берилган маълумотнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**